

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Т/ФМ.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**М.Т.ЎРОЗБАЕВ НОМИДАГИ МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР
СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ**

ХУСАИНОВ РАХМАТЖОН БАХРАМБАЕВИЧ

**ЕР ОСТИ ҚУВУРИНИНГ ГРУНТ БИЛАН ЁПИШҚОҚ-ЭЛАСТИК-
ПЛАСТИК ЎЗARO ТАЪСИРИ СЕЙСМОДИНАМИКАСИ (ЧИЗИҚЛИ
ВА ЧИЗИҚСИЗ МАСАЛАЛАР)**

01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физико-математическим наукам
Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on Physical-mathematical sciences**

Хусаинов Рахматжон Бахрамбаевич
Ер ости қувурининг грунт билан ёпишқоқ-эластик-пластик ўзаро
таъсири сейсמודинамикаси (чизиқли ва чизиқсиз масалалар).....3

Хусаинов Рахматжон Бахрамбаевич
Сейсמודинамика вязко-упруго-пластического взаимодействия
подземного трубопровода с грунтом (линейные и нелинейные задачи)..21

Khusainov Rakhmatjon Bakhrambayevich
Seismodynamics of visco-elasto-plastic interaction underground pipeline with
soil (linear and non-linear problems).....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....43

**МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Т/ФМ.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**М.Т.ЎРОЗБАЕВ НОМИДАГИ МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР
СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ**

ХУСАИНОВ РАХМАТЖОН БАХРАМБАЕВИЧ

**ЕР ОСТИ ҚУВУРИНИНГ ГРУНТ БИЛАН ЁПИШҚОҚ-ЭЛАСТИК-
ПЛАСТИК ЎЗARO ТАЪСИРИ СЕЙСМОДИНАМИКАСИ (ЧИЗИҚЛИ
ВА ЧИЗИҚСИЗ МАСАЛАЛАР)**

01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.2.PhD/FM233 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси М.Т.Ўрозбаев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.instmech.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рашидов Турсунбой Рашидович

техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Сафаров Исмоил Иброҳимович

физика-математика фанлари доктори, профессор

Абдиқаримов Рустамхан Алимханович

физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарканд Давлат университети

Диссертация ҳимояси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «16» июлдаги соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 33, 1-мажлислар зали. Тел.: (99871) 262-71-52; Факс: +(99871) 262-71-32, e-mail: instmech@academy.uz).

Диссертация билан Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 9 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел.: +(99871) 262-71-52).

Диссертация автореферати 2021 йил «28» июнь куни тарқатилди.
(2021 йил «16» июндаги №5 рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signatures in blue ink over the stamp]

М. Мирсаидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, академик

М.К.Ўсаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., к.и.х.

Р.А.Абиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда нефт ва газ қазиб ҳажми ва географияси ва унинг ташилишининг ошиши, асосан ер ости коммуникация тизимларидан фойдаланиладиган шаҳарлар ва шаҳар туридаги қишлоқларнинг тезлик билан ўсиши, ер ости қувурлари тизимини кенг миқёсда қуришга, шу билан бирга юқори сейсмикликга эга ҳудудларда ер ости қувурларини зилзилабардошлигини ошириш муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Шу жиҳатдан, дунёда ер ости қувурларини сейсמודинамикаси масалаларига сонли усулларни қўллаш, ечиш усулларини такомиллаштиришга, алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан аниқ бир мақсадга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим масала ҳисобланади, бунда ҳаётни таъминловчи ер ости тизимларининг грунт билан ёпишқоқ-эластик-пластик ўзаро таъсирида, ер ости қувурларининг турли хил кўринишдаги сейсмик таъсирларида КДҲни ҳисоблашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда шаҳарлар, айниқса катта шаҳарларнинг нормал фаолияти кўп миқдорда энергетик ва транспорт тизимлари, сув таъминоти ва канализация тизимларининг узлуксиз ишлашига боғлиқ, уларнинг зилзила натижасида шикастланганда, уларда иккиламчи бузилишларни пайдо бўлиши, йирик газ ва нефт қувурлари шикастланиши натижасида ёнгин пайдо бўлиши ва экологик муҳитни хавфли ифлосланишини келтириб чиқариши мумкинлиги ер ости қувурларини шубҳасиз ишончли лойиҳалаш ва қуриш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқот ишлари олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ер ости қувурларига сейсмик таъсирнинг турли хил кўринишда бўлишини инобатга олиб, қувурни ўраб турган грунт ҳаракатини турли хил аналитик функциялар кўринишида олиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга ер ости қувурининг грунт билан ўзаро таъсирлашиш моделини ёпишқоқ-эластик-пластик кўринишда олганда, кучланганлик деформацияланганлик ҳолати мустаҳкамлигини баҳолаш ва башорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш зарур вазифалардан ҳисобланади.

Ҳозирда республикамизда шаҳар ва қишлоқларни узлуксиз ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида ичимлик суви, канализация, ҳамда иқтисодиётнинг муҳим қон томири бўлган нефт ва газ қувурларининг узлуксиз ишлашини таъминлашга доир чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш...» аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, энг аввало, янги ичимлик суви тармоқларини қуриш, тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларда аҳолининг тоза ичимлик суви билан

таъминлашни тубдан яхшилаш...»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан ер ости қувурларининг кучланганлик деформацияланганлик ҳолатини аниқлаш усулларини яратиш, ер ости қувурларини сейсмик таъсирга мустаҳкамлигини ҳисоблайдиган усулларни ишлаб чиқиш ва ушбу йўналишда илмий ва амалий аҳамиятга эга илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон «Сейсмология, сейсмик чидамли қурилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлиги соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3107-сон «Нефть-газ соҳасининг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379-сон «Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 2 февралдаги ПҚ-3502-сон «2018 — 2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 30 июльдаги ПҚ-4794-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика, ва информатика» ва XIV. «Сейсмология, биналар ва иншоотлар сейсмик хавфсизлиги ва қурилиш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда сейсмик юкланишлар таъсиридаги ер ости қувурларининг сейсмик мустаҳкамлигини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқот ишлар олиб борилган, жумладан: M.J. O'Rourke, L.R. Wang, N.M. Newmark, E.I. Nnadi, T. Takahashi, T. Tanaka, D. Wijewickreme, K. Yoshizaki, X.L. Liu, Д.Д. Баркан, В.А. Ильичев, Я.М. Айзенберг, Ш.Г. Напетваридзе, А.Г. Назаров, Р.М. Мукурдумов, А.Б. Айнбиндер, А.С. Гехман, М.Ш. Исраилов, А.А. Александров, Р.А. Гумеров, Э.Н. Фигаров ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Маҳалий олимлардан ер ости тизимлари сейсмик мустаҳкамлиги соҳасининг ривожланишида бир қатор олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

жумладан, академик Т.Р. Рашидов томонидан мураккаб тизимли ер ости иншоотлари сейсмик мустаҳкамлигининг динамик назарияси яратилган. А.Абдусаттаров, Р.А.Абдикаримов, Р.А.Абиров, А.Каюмов, Е.Н.Колмакова, Ш.М.Маматкулов, Б.М.Мардонов, А.Х.Маткаримов, М.Мирсаидов, Я.Н. Мубораков, С.Мухамедова, В.А. Омельяненка, С.Ф.Проскурина, Х.С.Сагдиев, К.Д.Салямова, И.Сафаров, Ш.М. Сибукаев, Т.Т.Собиров, К.С.Султанов, З.Р.Тешабаев, М.К. Усаров, Г.Х.Хожметов, А.А.Халджигитов, Б.Э.Хусанов, Т.Юлдашев, А.Юсупов ва бошқалар, бу соҳада турли йилларда грунт хоссаси, кўмилиш чуқурлиги, иншоотнинг геометрик ўлчамлари шунингдек тўлқин табиатли таъсир ва грунт муҳити билан, қувурнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олувчи турли масалалар устида изланишлар олиб борганлар.

Бугунги кунда фойдаланилаётган меъёрий ҳужжатда (ҚМҚ 2.01.03-96 «Зилзилавий ҳудудларда қурилиш», «Ер ости иншоотлари ва муҳандислик тармоқлари» IV бўлими) кўмилган қувурлар ва шу каби ер ости иншоотларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ҳисоблаш муаммолари ҳозирги вақтгача етарлича ҳал этилмаган. Хорижий мамлакатларнинг ер ости иншоотлари сейсmodинамикаси бўйича тадқиқотлари таҳлили, ҳисоблаш усулларини етарли эмаслигини кўрсатди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти М.Т. Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф-4-006 - «Ихтиёрий йўналган сейсмик кучлар таъсиридаги текисликда ва фазовий жойлашган ер ости қувурлар тизимининг сейсmodинамикаси» (2017-2020) ва ФА-Атех-2018-67 - «Зилзилаларда йиғилган реал маълумотларга асосланган сейсмик кучлар таъсиридаги ер ости қувурларининг реакциясини баҳолаш ва уларни амалиётга татбиқи» (2018-2020) мавзуларидаги лойихалар доирасида бажарилган

Тадқиқотнинг мақсади контактда ёпишқоқ-эластик-пластик ўзаро таъсир хусусиятига эга ер ости қувурининг, сейсмик тўлқин ҳаракатланувчи синус, ҳаракатланувчи синус ярим тўлқини импульси ва учбурчак шаклидаги импульс таъсирларида кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини аниқлашдан иборат. Ундан ташқари ер ости қувури кесимларида ҳосил бўладиган кўчиш ва деформацияга узел массаси, ўзаро таъсир эластик ва ёпишқоқлик коэффициентлари, грунт тебраниш даври ва тезлиги ва импульс шаклининг таъсирини аниқлаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари:

қувур ва грунт орасида эластик ва ёпишқоқ-эластик ўзаро таъсирларида, ер ости қувурида ҳосил бўладиган зўриқишларни сонли ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш. Грунт деформацияси узлукли функция кўринишида бўлганда, чекли айирмалар усулида, аниқлиги юқори схемани танлаш;

ер ости қувурида ҳосил бўладиган кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатига, ўзаро таъсир эластиклик, ёпишқоқлик ва ўзаро таъсир моделининг мустаҳкамланиш коэффициентларининг таъсирини аниқлаш;

грунт ҳаракати ҳаракатланувчи синус, ҳаракатланувчи синус ярим тўлқини импульси ва ҳаракатланувчи учбурчак шаклдаги импульс кўринишларида берилган ҳолларда ер ости қувурининг кучланганлик ва деформацияланганлик ҳолатига таъсирини аниқлаш;

«қувур–грунт» тизимининг ёпишқоқ-эластик-пластик ўзаро таъсирини инobatга олганда ер ости қувурининг бўйлама тебраниши кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини сонли ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида сейсмик ҳудудларда жойлашган ер ости қувурлари (сув таъминоти, газ таъминоти, нефт таъминоти ва бошқалар) тизими олинган.

Тадқиқотнинг предмети – «Қувур-грунт» тизимида ёпишқоқ-эластик-пластик ўзаро таъсирида А.А.Ильющин моделидан фойдаланган ҳолда ер ости иншоотининг ҚДҲи, грунт хусусиятлари ва сейсмик юкланиш шаклининг ер ости қувурининг деформацияланган ҳолатига таъсирни тадқиқ қилишни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб бориш жараёнида деформацияланувчан қаттиқ жисмлар механикаси ва қурилиш механикаси усуллари, математик моделлаштириш, динамик параметрларини сонли ҳисоблаш учун чекли айирмалар усулидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ер ости қувурлари сейсmodинамикасида, сонли тақрибий усулларнинг кенг қўлланилиши орқали, ҳисоблаш услублари такомиллаштирилган;

сейсмик таъсир аналитик функциялар, яъни ҳаракатланувчи синус тўлқини, синус ярим тўлқин импульси ва учбурчак шаклдаги импульс кўринишлардаги ҳолларда ер ости магистрал қувурларини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

чеккалари узелга маҳкамланган ер ости қувурининг бўйлама тебраниш масаласи Фурье усулидан фойдаланиб, аналитик ечим олинди. Натижалар сонли усулда олинган натижалар билан солиштирилди ва сонли усул ёрдамида олинган ечимларни етарли даражада аниқлиги исботланди;

«қувур–грунт» тизимида ер ости қувурларининг ёпишқоқ-эластик ва ёпишқоқ-эластик-пластик ўзаро таъсирини инobatга олганда, ҚДҲни сонли ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ер ости қувурининг кўндаланг кесимларида ҳосил бўладиган кўчиши ва деформациясига ўзаро таъсир эластиклик ва ёпишқоқлик коэффициентлари ва ўзаро таъсир моделининг мустаҳкамланиши коэффициентини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

ер ости қувурида ҳосил бўладиган ҚДҲга импульс шаклининг таъсири аниқланди. Ундан ташқари ер ости қувурининг ҚДҲи, грунтда тўлқин тарқалиш тезлиги ва тебраниш даврига боғлиқлигини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган («Ер ости магистрал қувурларининг турли хил кўринишдаги сейсмик таъсирларга ҳисоблаш дастури» № DGU 06814-2019 й.) дастури ошқор схема ёрдамида грунт деформацияси узилишга эга функция кўринишда бўлган ҳолларда, юқори аниқликдаги натижалар олиш, сейсмик ҳудудларда жойлашган ер ости қувурларининг сейсмодинамикаси масалаларини ечиш жараёнини автоматлаштириш имконини беради;

сейсмик ҳудудларда ер ости қувурларини ҳисоблаш услуги, лойиҳалаш жараёнида (ДУК«Сувсоз», Тошкент шаҳри, «Eshonguzar house» объекти, Тошкент вилояти) фойдаланилиб, иш сифатини ортишига, ҳисоблаш вақтини 1.25 марта тежалишига, ҳудуднинг сейсмик интенсивлиги ва тупроқ шароитидан келиб чиқиб ер ости қувурида ҳосил бўладиган кучланишни 10–30 % га камайтиришга эришилди, бу эса ўз навбатида қувур мустаҳкамлигини оширади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилган назарий тадқиқотлар асосида олинган натижалар, реал маълумотлар билан таққосланди, шунингдек олинган натижалар маҳаллий ва чет эл олимлари томонидан олинган натижалар билан солиштирилиб, ишончлилиги исботланди, ҳамда олинган натижалар ва сонли усулларни тўғрилиги таъминланиб, амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ер ости иншоотлари сейсмодинамикаси назариясини келгусидаги ривожланишида, ер ости қувурининг грунт билан чизиксиз ўзаро таъсирида кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатига оид янги материаллар асосида тўлдириш билан изоҳланади. Ер ости қувурининг грунт билан ёпишқоқ-эластик-пластик ўзаро таъсири тадқиқ қилинган сонли ҳисоблаш усули ва математик модели ер ости қувурлари сейсмодинамикаси жараёнларини тасвирлашида ўз исботини топади. Диссертация ишининг натижалари қувур КДҲга контактда ўзаро таъсирнинг чизиксиз хусусиятини таъсири – пластиклик назариясига ўзининг янги ҳиссасини қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қуйидагиларни ўз ичига олади, ер ости қувурлари сейсмодинамикасини ечишга мўлжалланган услуб асосида тузилган, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий таъминотлар мажмуи, ер ости қувурлари сейсмодинамикасини ҳисоблашни ягона концепциясини ўзида акс эттиради. Бу сейсмик ҳудудларда ер ости (сув таъминоти, газ таъминоти, нефт таъминоти ва бошқалар) қувурларини лойиҳалаш ва қуриш жараёнларини тезлашишига, бажарилган иш сифатини ортишига, ҳаётни таъминловчи тизимларни мукамал, турғун ишлашига эришилади, ҳамда сейсмик хавф-хатарни сезиларли даражада пасайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ер ости қувурлари сейсмодинамикаси жараёнларини тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«кувур-грунт» тизимининг ёпишқоқ-эластик-пластик ўзаро таъсирида ер ости қувурини ҳисоблаш услуги, изланиш натижалари «HI-TECH DESIGN» МЧЖда ер ости қувурларини лойиҳалаш ва эксплуатацияси жараёнига жорий этилган («HI-TECH DESIGN» МЧЖнинг 2019 йил 1 ноябрдаги далолатномаси). Натижада лойиҳалаш жараёнида ҳисоблаш вақтини 1.25 марта тежалишига, қувурнинг турғунлиги 1.15 марта чидамлилиқ захираси билан ҳисобланиш имкони яратилган;

«кувур-грунт» тизимининг ёпишқоқ-эластик-пластик ўзаро таъсирида ва сейсмик таъсир синус ярим тўлқини ва учбурчак шаклдаги импульслар кўринишида бўлган ҳолда «кувур-грунт» тизимининг ёпишқоқ-эластик ўзаро таъсирида ер ости қувурининг ҳисоблаш услуги, «Сувсоз» ДУКда ер ости қувурларини лойиҳалаш жараёнига жорий этилган («Сувсоз» ДУКнинг 2019 йил 22 октябрдаги далолатномаси). Илмий изланиш натижасини тадбиқ этилиши, қурилиш майдончасининг сейсмик интенсивлигини ҳисобга олган ҳолда, қувурни турғун ишлаши ва хизмат вақтини 1.6 марта узайтириш, қувурда ҳосил бўладиган кучланишни 10-30% га камайитириш имкони яратилган;

тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши ҳақида Қурилиш вазирлигидан (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 30 декабрдаги №10391/09-07 –сон маълумотномаси) ижобий хулоса олинди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби, кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ер ости қувурларининг сейсмикбардошлилиги соҳасида изланишларнинг тизимли таҳлили**» деб номланган биринчи

бобида ер ости қувурлари сейсmodинамикасининг назарий ва экспериментал ривожитадқиқи келтирилган. Юртимиз олимлари томонидан ер ости ва усти иншоотлари сейсмик бардошлилиги соҳасида бажарилган ишларнинг аналитик умумлашмаси келтирилган. Дунёда содир бўлган кучли зилзилалар ва уларнинг оқибатида ер ости қувурлари шикастланиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Ҳар бир бўлиб ўтган зилзила асорати ер ости қувури шикастланиш расмлари ва қувурларга етган умумий талофат ҳақида маълумотлар келтирилган.

Зилзила натижасида қувурларнинг шикастланганлик даражаси бир қатор факторларга боғлиқ: сейсмик таъсирнинг интенсивлигига, геологик ва гидрогеологик шароитларга, эксплуатацион-технологик зўриқиш ва таъсирларга, қувур конструкциясига, қувур материали характеристикаларига, эксплуатация даврига.

Ер ости қувурини ўраб турган грунт, нафақат сейсмик таъсир манбаи бўлибгина қолмай, балки қувур билан тебраниш жараёнида қатнашади. Қувурни ўраб турган грунт муҳитининг биржинслилиги ва зичлигига, музлашнинг миқдори ва грунт намлигига қараб зилзила интенсивлиги номоён бўлиши ва иншоотнинг грунт билан таъсирлашиш механизми турлича бўлади.

Шу сабабли сейсмик таъсир остида ер ости ва усти қувурларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилишда эмпирик ва экспериментал тадқиқотлар катта аҳамиятга эга.

Сўнги йилларда ер ости қувурларининг зилзилалардаги хавфсизлигига катта эътибор қаратилмоқда. Ер ости қувурларининг муҳим характеристикалари шундаки, улар катта майдонни қамраб олади ва турли геотектоник хавф хатарларга дучор бўлади. Ер ости қувурларининг ер усти иншоотлардан яна бир ўзига хос фарқи шундан иборатки, қувур уни ўраб турган грунтга нисбатан ҳаракатда бўлиши, одатда кичик, қувур ва ундан оқаётган масса оғирлигига боғланган инерция кучига нисбатан аҳамиятсиз. Ер ости қувури ёки грунтнинг доимий ҳаракатидан ёки тарқалувчи сейсмик тўлқин натижасида шикастланиши мумкин. Дунёда содир бўлган кучли зилзилаларда ер ости қувурларига етган талофат ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чизикли магистрал ер ости қувурининг грунт билан ёпишқоқ-эластик ўзаро таъсиридаги тебраниши**» деб номланган иккинчи бобида ер ости магистрал қувурининг «қувур–грунт» тизимидаги ёпишқоқ-эластик ўзаро таъсиридаги тебраниши кўрилган. Ер ости магистрал қувурининг грунт билан чизикли ёпишқоқ–эластик ўзаро таъсиридаги тебранишини ҳисоблаш методикаси тасвирланган ва натижалар олинган. Олинган натижалар тизимли таҳлил қилинган.

L узунликдаги қувурни қараймиз, ҳаракат тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$m \cdot \frac{\partial^2 u}{\partial t^2} - E \cdot F \cdot \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + \pi \cdot D \cdot \tau = 0, \quad (1)$$

бу ерда u – кувурнинг ўқ бўйлаб кўчиши; m – узунлик бирлигига мос келувчи масса; E – кувур материалнинг Юнг модули; F – кувур қўндаланг кесими юзаси, бунда s ва D – мос равишда, кувурнинг қалинлиги ва ташқи диаметри; τ – уринма кучланиш.

Ўзаро таъсирнинг ёпишқоқ-эластик хусусиятини ифодалашда Келвин-Фойгт моделини олсак, унда бўйлама таъсирда кувур ва грунт кўчиш тезликларининг айирмаси тўлқин тарқалиши ҳисобига энергия ютилишига жавоб беради. Шу сабабли кувур ва грунт орасидаги уринма кучланиш куйидагича ёзилади.

$$\tau = k_x \cdot (u - u_g) + \mu / H \cdot (\dot{u} - \dot{u}_g), \quad (2)$$

бу ерда u_g – грунтнинг бўйлама кўчиши; k_x – «кувур-грунт» тизимида эластик ўзаро таъсир коэффиценти; μ – «кувур-грунт» тизимида ёпишқоқ ўзаро таъсир коэффиценти; H – ер ости кувурининг қўмилиш сатҳи.

Агар (2) уринма кучланишни эътиборга олсак, унда (1) куйидаги кўринишга келади.

$$m \cdot \frac{\partial^2 u}{\partial t^2} - E \cdot F \cdot \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + \pi \cdot D \cdot \frac{\mu}{H} \cdot \left(\frac{\partial u}{\partial t} - \frac{\partial u_g}{\partial t} \right) + \pi \cdot D \cdot k_x \cdot (u - u_g) = 0 \quad (3)$$

Бошланғич шартлар:

$$u(x, 0) = 0 \quad \text{ва} \quad \dot{u}(x, 0) = 0. \quad (4)$$

Чекли узунликдаги кувурни ҳисоблашда кувур чеккаларидаги чегаравий шартлар зарур бўлади. Уч хил кўринишдаги чегаравий шартларни кўриб чиқамиз.

Биринчи кўринишдаги чегаравий шартлар ер ости кувури чегаралари грунт билан бир хил кўчадиган ҳол учун куйидагича ёзилади:

$$\text{а) } u(0, t) = u_g(0, t), \quad \text{б) } u(l, t) = u_g(l, t). \quad (5)$$

Иккинчи кўринишдаги чегаравий шартлар ер ости кувурининг четларида деформациялар нолга тенг бўлган ҳол учун:

$$\text{а) } \left. \frac{\partial u}{\partial x} \right|_{x=0} = 0, \quad \text{б) } \left. \frac{\partial u}{\partial x} \right|_{x=l} = 0. \quad (6)$$

Чегаравий шартларнинг учинчи кўриниши четлари эластик маҳкамланган кувур чегараларидаги бўйлама кучларга нисбатан ёзилади:

$$\text{а) } E \cdot F \cdot \left. \frac{\partial u}{\partial x} \right|_{x=0} = k_{N1} \cdot (u - u_g) \Big|_{x=0}, \quad \text{б) } E \cdot F \cdot \left. \frac{\partial u}{\partial x} \right|_{x=l} = -k_{N2} \cdot (u - u_g) \Big|_{x=l}. \quad (7)$$

Сейсмик тўлқинларнинг тарқалишини олдиндан айтишнинг имкони йўқлигини инобатга олсак, кўпчилик олимлар грунт ҳаракатини битта синусоидал тўлқин кўринишида ифодалашади. Кувурга параллел йўналишда грунт кўчишини, куйидаги кўринишда ёзиш мумкин

$$u_g = \begin{cases} A \cdot \sin \omega (t - x / C_p), & \text{агар } t > x / C_p, \\ 0, & \text{акс холда,} \end{cases} \quad (8)$$


бу ерда A – грунтнинг максимал кўчиши; ω – сейсмик тўлқиннинг тебраниш бурчак тезлиги, $\omega = 2\pi / T$ – формула ёрдамида аниқланади; C_p – тўлқин

тарқалишининг “зоҳирий тезлиги” (бундан кейин биз буни грунтдаги тўлқин тарқалиш тезлиги номи билан ишлатамиз). Грунтдаги тўлқин тарқалишининг “зоҳирий тезлиги” тўлқиннинг қувур ўқига тушиш бурчаги ёки қувур боғламларининг деформацияланувчанлиги туфайли катта бўлиши мумкин.


Пўлат қувур характеристикалари: $E = 2.1 \cdot 10^{11} \text{ Н/м}^2$, $D = 0.61 \text{ м}$, $s = 0.01 \text{ м}$, $m = 141.1 \text{ кг/м}$.

Грунт характеристикалари: гармоник тўлқин даври $T = 0.1 \text{ с}$, $k_x = 10^4 \text{ кН/м}^3$, $\mu = 0 \text{ кН} \cdot \text{с/м}^2$, $C_p = 1500 \text{ м/с}$, $A = 0.004 \text{ м}$, $H = 1 \text{ м}$.

Масала чекли айирмалар усулининг ошкор схемаси ёрдамида, координата ва вақт қадами қуйидаги муносабатда олинган $\Delta x / \Delta t = a_0$, бу ерда $a_0 = \sqrt{E \cdot F / m}$ – қувурда тўлқин тарқалиш тезлиги. Ҳисоблашлар $\Delta x = 0.1$ метрда ўтказилди. Ишлаб чиқилган алгоритм асосида масаланинг компьютерда ҳисоби бажарилган, натижалари 1,2-расмларда келтирилган.



1-расм. Деформациянинг координата бўйича ўзгариши: 1–қувурдаги тўлқин; 2–грунтдаги тўлқин



2-расм. Деформациянинг координата бўйича ўзгариши: 1–маҳкамланган чегаралар; 2–эркин чегаралар; 3–эластик маҳкамланган чегаралар; 4–грунтдаги тўлқин

Пўлат қувурда тўлқин тарқалиш тезлиги тахминан 5120 м/с, грунтда эса ушбу тезлик грунт турига боғлиқ. Айтайлик грунтда тўлқин 1500 м/с тезлик билан тарқалсин. 1-расмда узунлиги 1000 метр бўлган икки томони грунтга маҳкамланган ер ости магистрал қувурининг деформациясини координата бўйича ўзгариши кўрсатилган. Бу ерда чап чегарасидан тахминан 930 метр масофада деформация узилиши кўринган, тўлқин fronti ортида эса қувурдаги тўлқиннинг грунт билан ўзаро таъсирлашиши натижасида деформация «тебраниши» кўринади. Тўлқин frontiдаги деформация микдорини сўниши, масаланинг дискретлаштириш билан боғлиқ. Чунки қувурдаги тўлқин тарқалиш тезлиги грунтдаги тўлқин тарқалиш тезлигига нисбатан кичик, унда грунтдаги тўлқин келгунга қадар грунтда қаралаётган нуктада қувур кўндаланг кесимини тўхтатишга интилади. Грунт бевосита қувурдаги тўлқин fronti ортида шундай қаршилиқ кўрсатадики, деформация маълум бир масофагача ишорасини ўзгартириб ва секин аста тўлқин frontидан узоклашгани сари деформация тебраниши сўниб боради.

Бу билан бирга грунтдаги тўлқин қувур ён сирти бўйлаб таъсир қилади ва қувурда тўлқин пайдо қилади.

Қувур четида қувур ва грунт орасидаги эластиклик коэффициенти ошиши билан қувур деформация фронти амплитудаси ошади, бунда чеккалари қаттиқ маҳкамланган ҳолдаги қийматидан ошиб кетмайди (2-расм)

Шундай қилиб, қувурда тўлқин фронти тарқалади ва у миқдор жиҳатдан, грунт максимал деформацияси миқдорининг ярмига тенг. Грунт, қувур ён сирти орқали таъсирлашиши оқибатида қувурни ҳаракатга келтиради ва қувурда ҳосил бўладиган деформация грунтда ҳосил бўладиган деформацияни такрорлайди, аммо қувур деформациясининг максимал қиймати, грунтда ҳосил бўладиган деформациянинг максимал қийматидан кичик бўлади.

Диссертациянинг «**Грунт ҳаракатининг турли аналитик шаклларида ер ости магистрал қувурининг кучланганлик деформацияланганлик ҳолати**» деб номланган учинчи бобида, грунт билан ёпишқоқ-эластик ўзаро таъсирдаги чекли узунликдаги қувурга, бўйлама тўлқин таъсири масаласи қаралган. Қувур четлари уни ўраб турган муҳит билан чизикли қонун билан ўзаро тасирлашадиган оғир узелга маҳкамланган. Ер ости магистрал қувурининг КДХга, грунт ҳаракати ҳаракатланувчи синус кўринишида берилганда, ўзаро таъсир эластик ва ёпишқоқ коэффициентларининг таъсири келтирилган. Солиштиришлар уч турдаги чегаравий шартларда: грунтга эркин, қаттиқ ва ёпишқоқ маҳкамланган ҳолларда олиб борилган. Грунт таъсири ҳаракатланувчи синус ярим тўлқини ва учбурчак шаклдаги импульслар кўринишида бўлганда ер ости магистрал қувурларнинг КДХни ҳисоблаш амалга оширилган. Грунт тебраниш даври, тўлқин тарқалиш тезлиги ва чегарадаги ёпишқоқлик коэффициентларга боғлиқ равишда ер ости қувурларининг КДХ таҳлил қилинган. Ундан ташқари ер ости қувури ҳаракатига импульс шаклининг таъсири таҳлил қилинган. Грунт ҳаракати синус ярим тўлқини ва учбурчак шаклдаги импульслардаги натижалар солиштирилган. Ундан ташқари қувур ва грунтдаги тўлқинларни қўшилиши натижасида максимал деформация ошиши кўрсатилган.

Қувурнинг ташқи сирти грунт билан қувур ўқи бўйлаб ёпишқоқ-эластик қонун бўйича таъсирлашади, қувур четлари бўлса оғир узеллар билан эластик элемент орқали бириккан.

Ушбу фаразларни инобатга олиб қувур бўйлама тебраниш тенгламаси ва чегаравий шартлар қуйидагича ёзилади:

$$\rho F \frac{\partial^2 u}{\partial t^2} - EF \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + k_0[u - u_g(x, t)] + \gamma_0 \left[\frac{\partial u}{\partial t} - \frac{\partial u_g}{\partial t} \right] = 0, \quad 0 < x < l, \quad (9)$$

$$m_1 \frac{\partial^2 u}{\partial t^2} = EF \frac{\partial u}{\partial x} - k_1 [u - u_g(0, t)] \quad x = 0 \text{ бўлганда}, \quad (10)$$

$$m_2 \frac{\partial^2 u}{\partial t^2} = -EF \frac{\partial u}{\partial x} - k_2 [u - u_g(l, t)] \quad x = l \text{ бўлганда}. \quad (11)$$

$$\text{Бошланғич шартлар:} \quad u = 0, \quad \dot{u} = 0 \quad (12)$$


бунда E, ρ – қувур материал Юнг модули ва зичлиги; F, l – қувур кўндаланг кесим юзаси ва узунлиги; k_0 – қувур ва уни ўраб турган мухитнинг бўйлама ўзаро таъсир коэффициентлари; m_1 ва m_2 узеллар массалари, k_1 ва k_2 чегаралардаги бикирлик коэффициентлари.

Грунт ҳаракати (8) кўринишида бўлганда, (9) тенглама учун (10)–(12) бошланғич чегаравий масалани Фурье усули ёрдамида ҳисобланган ва натижалар олинган.


Грунт ҳаракати синус ярим тўлқини импульси кўринишида бўлганда

$$u_g = \begin{cases} A \cdot \sin \omega (t - x / C_p), & 0 \leq t - x / C_p \leq T / 2, \\ 0, & T / 2 < t - x / C_p \text{ ва } t - x / C_p < 0. \end{cases} \quad (13)$$

Ишлаб чиқилган алгоритм асосида масала компьютерда ҳисоблаш ишлари бажарилган, грунт (13) синус ярим тўлқини кўринишидаги ҳаракатидаги натижалар келтирилган.



3-расм. Деформацияни грунт тебраниш даврига боғлиқ ҳолда ўзгариши. (C_p=2500 м/с)



4-расм. Деформацияни координата бўйича ўзгариши. (C_p=2500 м/с, k_x=0.5·10⁴ кН/м³)

Олдин айтиб ўтилганидек, грунт тебраниш даври қувур деформациясининг максимал қийматига таъсир қилади, шунингдек тўлқин фронтларидаги деформация қийматига ҳам таъсир кўрсатади. 3 ва 4 расмларда тўлқиннинг олдинги фронтидаги деформация миқдори грунт тебраниш даврига боғлиқлик графиги кўрсатилган, импульс тебраниш даври ошиши билан фронтда деформация камаяди.

Грунт деформацияси ва тебраниш даври тескари пропорционал муносабатда бўлади. Қувур ва грунтдаги деформация миқдори $T > 0.3$ с бўлганда деярли бир хил бўлади. Бошқа ҳолда грунт деформацияси қувур деформациясидан катта бўлади.

Грунт ҳаракати учбурчак шаклдаги импульс кўринишида берилганда.

$$u_g = \begin{cases} 4A \cdot (t - x / C_p) / T, & 0 \leq t - x / C_p \leq T / 4, \\ 2A \cdot [1 - 2(t - x / C_p) / T], & T / 4 \leq t - x / C_p \leq T / 2, \\ 0, & T / 2 < t - x / C_p \text{ ва } t - x / C_p < 0, \end{cases} \quad (14)$$


Грунт ҳаракатини деформацияларда ёзиш мумкин, унда (14) тенглама куйидаги кўринишни олади.

$$\varepsilon_g = \begin{cases} -4A / (T \cdot C_p), & 0 \leq t - x / C_p \leq T / 4, \\ 4A / (T \cdot C_p), & T / 4 \leq t - x / C_p \leq T / 2, \\ 0, & T / 2 < t - x / C_p \text{ ва } t - x / C_p < 0. \end{cases} \quad (15)$$

Грунтдаги тўлқин (14) учбурчак шаклдаги импульс кўринишида ифодаланган, унда тўлқиндаги грунт зарраларининг деформацияси (15) погонасимон функция кўринишида ўзгаради. Шу сабабдан, тўлқин фронтида кўчиш нолга тенг, заррачалар деформацияси эса сакрашга эга бўлади

Грунт ҳаракати (15) кўринишида бўлганда учта нуқтада биринчи тур узилишга эга, ушбу деформация узилишларни қувур чегараларидан ўтиш жараёнида узилиш фронти тарқалади. Қувур чегаралари қаттиқ маҳкамланганда фронтда деформация миқдори тақрибан грунт деформациясининг ярмига тенг. Импульс ер ости қувурини чап чегарасини тўлиқ ўтгандан кейин учта деформация тўлқин фронти тарқалади.

Импульс таъсир вақтининг кичик қийматларида ўзаро таъсир эластик коэффициенти қувурдаги кўчишининг (5,а-расмга қаранг) ва деформациянинг (5,б-расмга қаранг) максимал қийматига таъсир қилади.



5-расм. Кўчиш (а) ва деформацияни (б) координата бўйича ўзгариши: 1– $k_x=0.5 \cdot 10^4$ кН/м³; 2– $k_x=1.5 \cdot 10^4$ кН/м³; 3– $k_x=4 \cdot 10^4$ кН/м³; 4–грунтдаги тўлқин.

Импульслар таҳлили шуни кўрсатдики импульс шакли, таъсир вақти ва тарқалиш тезлиги ер ости қувурининг ҚДҲига салмоқли таъсир кўрсатади.

Компьютер учун ишлаб чиқилган амалий дастур қувур параметрлари, грунт шароитлари ва чегараларида турли маҳкамланишларга боғлиқ ҳолда, турли хил сейсмик таъсирларда бир қатор сонли натижалар олиш имконини беради. Шу билан бирга ер ости қувурини ўқи бўйлаб сейсмик таъсир йўналганда қувур кучланганлик деформацияланганлик ҳолатини тадқиқ қилишни автоматлаштириш имконини беради.

Диссертациянинг «Грунт билан ёпишқоқ-эластик-пластик ўзаро таъсирида ер ости қувурларининг сейсמודинамикаси» деб номланган тўртинчи бобида, «қувур-грунт» тизимининг ёпишқоқ-эластик-пластик ўзаро таъсирида ер ости қувурларининг бўйлама тебраниш масаласи қаралган. Ер ости қувури грунт билан ёпишқоқ-эластик-пластик ўзаро таъсирида

ҳисоблаш методикаси тасвирланган. Ер ости қувури уни ўраб турган муҳит билан чизиксиз муносабатда бўлганда кучланганлик деформацияланганлик ҳолатини аниқлаш масаласини ечиш ва компьютерга жорий этиш алгоритми ишлаб чиқилган. Масала ечимининг турли хил чегаравий шартларда таҳлили ўтказилган. Келгусида сейсмик ҳудудларда ер ости иншоотларини лойиҳалаш ва қуриш жараёнларини тезлаштириш имконини берадиган, турли хил қувур тизимларининг сейсmodинамикасини ўрганиш бўйича умумий универсал комплекс дастурларни яратиш режалаштирилмоқда. Олинган натижаларнинг ишончлилигини текшириш мақсадида бу соҳада олинган олдинги натижалар билан солиштирилган. Кўлланилган ҳисоблаш схемалари ер ости қувурларининг сейсmodинамикасидаги бир қатор янги муаммоларни ҳал қилишга имкон беради.

Грунт билан ёпишқоқ-эластик-пластик ўзаро таъсиридаги ер ости қувурининг бўйлама тебраниш тенгламаси қуйидагича ёзилади

$$m \frac{\partial^2 \bar{u}}{\partial t^2} - EF \frac{\partial^2 \bar{u}}{\partial x^2} + \pi D \tau_n = EF \frac{\partial^2 u_g}{\partial x^2} - m \frac{\partial^2 u_g}{\partial t^2} \quad (16)$$

Ер ости қувурининг таъсирлашиш сиртидаги уринма кучланиши, $n = 0, 1, 2, 3, 4$ бўлганда қуйидагига тенг

$$\tau_0 = (\mu / H) \dot{\bar{u}} + k_x \bar{u},$$


$$\tau_1 = (\mu / H) \dot{\bar{u}} + k_x \tilde{u}^{s0} + k'_x (\bar{u} - \tilde{u}^{s0}),$$

$$\tau_2 = (\mu / H) \dot{\bar{u}} + k_x \tilde{u}^{s0} + k'_x (\tilde{u}^{s1} - \tilde{u}^{s0}) + k_x (\bar{u} - \tilde{u}^{s1}),$$

$$\tau_3 = (\mu / H) \dot{\bar{u}} + k_x \tilde{u}^{s0} + k'_x (\tilde{u}^{s1} - \tilde{u}^{s0}) + k_x (\tilde{u}^{s2} - \tilde{u}^{s1}) + k'_x (\bar{u} - \tilde{u}^{s2}),$$

$$\tau_4 = (\mu / H) \dot{\bar{u}} + k_x \tilde{u}^{s0} + k'_x (\tilde{u}^{s1} - \tilde{u}^{s0}) + k_x (\tilde{u}^{s2} - \tilde{u}^{s1}) + k'_x (\tilde{u}^{s3} - \tilde{u}^{s2}) + k_x (\bar{u} - \tilde{u}^{s3}),$$

бунда \bar{u} – нисбий кўчиш, \tilde{u}^{si} – ҳаракатнинг i -чи босқичида янги ўзаро таъсир эластиклик чегараси.




6-расм. Ўзаро таъсирнинг бичизиқли қонунига мос келувчи $\tau \sim \tilde{u}$ боғлиқлик диаграммаси

(16) тенгламани ечишда иккинчи тартибли аниқликдаги чекли айирмалар усулининг ошқормас схемасидан фойдаланамиз.

Механик ва геометрик параметрлар қуйидаги қийматларда қаралади: $E=2.1 \cdot 10^{11}$ Па; $\rho=7.8 \cdot 10^3$ кг/м³; $D_H=0.61$ м; $D_B=0.6$ м; $F=\pi(D_H^2 - D_B^2)/4$ м²; $l=100$ м; $\omega=2\pi/T$; $A_p=4$ мм; $T=0.2$ с; $C_p=800$ м/с; $k_x=2 \cdot 10^7$ Н/м³; $u_s=0.1$ мм.


Ишлаб чиқилган алгоритм асосида масалани компьютер дастури яратилди, унинг натижалари расмлар кўринишда қуйида келтирилган.

7-расмда ўзаро таъсир $c=(k_x - k'_x)/k_x$ ўзаро таъсир моделининг мустаҳкамланиш коэффициентининг 0 дан 1 гача ўзгаришида, нисбий кўчишнинг максимал қиймати ошиши кўрсатилган.



7-расм. Нисбий кўчишни вақт бўйича ўзгариши (а) ва нисбий кўчишни максимал қийматини c коэффициентга боғлиқ ҳолда ўзгариши (б)

«Қувур–грунт» тизимининг ёпишқоқ-эластик ўзаро таъсирида ер ости қузури кўчишига чегаравий шартлар кам таъсир кўрсатади. 8-расмда кўрсатилганидек, $c=1$ ўзаро таъсир моделининг мустаҳкамланиш коэффициентиди, абсолют ва нисбий кўчишларнинг максимал қийматларига чегаравий шартларнинг таъсири салмоқлидир.



8-расм. Абсолют (а) ва нисбий (б) кўчишнинг вақт бўйича ўзгариши: 1 – $c=0$, чегараси маҳкамланган; 2 – $c=1$, чегараси маҳкамланган; 3 – $c=0$, чегараси эркин; 4 – $c=1$, чегараси эркин; 5–грунтда.

Солиштиришлар шуни кўрсатадики, қувурнинг грунт билан ўзаро таъсирининг чизиқсизлиги, қувур ва грунт орасидаги нисбий кўчишни ортишига ва қувурда ҳосил бўладиган нормал кучланиш қийматини камайишига олиб келади. Ўзаро таъсирнинг чизиқсизлигини инобатга олган

ҳолда грунтга қаттиқ маҳкамланган чегаравий шартлардаги максимал нисбий кўчиш, эркин чегаравий шартга нисбатан катта бўлади.

ХУЛОСА

«Ер ости қувурининг грунт билан ёпишқоқ-эластик-пластик ўзаро таъсири сейсмодинамикаси (чизикли ва чизиксиз масалалар)» мавзусидаги физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Табиий грунтларда ётқизилган ер ости қувурларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати тадқиқотларини ўтказиш имкониятини берувчи сонли ҳисоблаш услублари ва дастурий мажмуалари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган ҳисоблаш усуллари турли сейсмик таъсирларда, турли грунт шароитларда ва турли чегаравий шартларни инобатга олган ҳолда, ер ости қувурларининг сейсмик мустаҳкамлигини ҳисоблашга имкон беради.

2. Ҳар бир муайян ҳол сонли қийматларга келтирилди, ер ости қувурида сейсмик зўриқиш таъсирида максимал нормал кучланиши вужудга келадиган ҳавфли кесимлари аниқланди. Танланган сонли усулларда ўтказилган таҳлилларни ишончлилигини исботлаш мақсадида, олинган натижалар аввалги ечилган масалалардан олинган натижалар билан солиштирилди ва бу сонли ечимни турғунлигини кўрсатишни имконини беради.

3. Ер ости қувурлари зилзилабардошлиги соҳасида чет эл ва маҳаллий олимларнинг илмий тажрибаларини инобатга олган ҳолда, ер ости қувурининг бўйлама тебраниш дифференциал тенгламасини ечишда, грунт деформацияси узилишга эга функция кўринишида бўлганда, юқори аниқликдаги натижа олиш имконини берадиган, Курант шартини қаноатлантирувчи чекли айирмалар усулининг ошкор схемасидан фойдаланиб ечилди. Ушбу усул ёрдамида олинган натижалар аниқ ечим билан етарлича яхши мос тушадиган ечим олишга имкон беради.

4. Грунт ҳаракат функцияси, ҳаракатланувчи синус тўлқини, синус ярим тўлқин импульси ва учбурчак шаклдаги импульс кўринишидаги аналитик функциялар кўринишида олинганда ҳисоблаш имконини берадиган усул ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган усул тўлқин тарқалишини ҳаракатланувчи синус кўринишида олган ҳолда, чегараларда қаттиқ маҳкамланганлиги ҳисобига ер ости қувурида грунт деформациясининг максимал қийматининг ярмига тенг бўлган, деформация тўлқини фронти тарқалишини аниқлаш имконини беради.

5. «Қувур-грунт» тизимининг ёпишқоқ-эластик ўзаро таъсирида ер ости қувурида, энергия тарқалиш ҳисобига, қувурда тўлқин фронти сўнади ва грунт билан стационар ҳаракатга чиқади. Грунтнинг қаттиқ турларида қувур деформацияси ва грунт деформацияси устма-уст тушишини имконини беради.

6. Грунт билан ёпишқоқ-эластик-пластик ўзаро таъсиридаги ер ости қувурининг бўйлама тебраниши учун ҳисоблаш усули (схемаси) ишлаб

чиқилди. Ишлаб чиқилган усул ер ости қувурининг грунт билан ёпишқоқ-эласти-пластик ўзаро таъсирида ишлаш цикли, бир босқичдан бошқа босқичга ўтишда мураккаблашади, шу сабабли мос схемани танлаш тўғри ечим олиш имконини беради. Чекли айирмалар усулининг схемаларини таҳлил қилиш натижасида, ошқормас схема танланди, ушбу схемадан фойдаланиш чизиқсиз масалаларни ечишда турғун ечим олиш имконини беради

7. Ер ости қувурининг бўш ва дисперс грунт шароитида траншеяда ётқизиш натижасида, қувурда ҳосил бўладиган деформация камайишга ва мос равишда кучланишни камайишига олиб келади. Ўзаро таъсирнинг эластиклик чегараси кичик бўлган грунтлардан фойдаланиш ер ости қувурида ҳосил бўладиган кучланишни камайтиради, аммо нисбий кўчиш ошади бу эса ўз навбатида ер ости қувурлари сейсמודинамик назариясини такомиллаштиради.

8. Натижаларнинг амалий аҳамиятининг муҳимлиги бевосита масаланинг қўйилишидан келиб чиқади. Шунинг учун илмий-тадқиқот ишларида нафақат алгоритмлар ва компьютерда ҳисоблаш дастурлари яқунланган, балки якуний амалий натижаларгача олиб борилган. Улар ҚМҚ 2.01.03-96 «Зилзилавий ҳудудларда қурилиш» меъёрий ҳужжатининг IV «Ер ости иншоотлари ва муҳандислик тармоқлари» бўлимига қўшимчалар қўшишда муҳим аҳамият касб этади ва лойиҳалаш жараёнида зилзилабардош ер ости коммуникацияси қуриш имконини беради.

9. Олинган натижалар ер ости қувурларини лойиҳалашда («Eshonguzar house» объекти, Ташкент вилояти; ДУК «Сувсоз», Ташкент шаҳри) фойдаланилиб, иш сифати ва меҳнат унумдорлигини 10% гача ортишига, ҳисоблаш вақтини 1.25 марта тежалишига ва ер ости қувурида ҳосил бўладиган кучланишни 10-30% гача камайтиришни имконини беради.

Талабгор ЎзР ФА академиги, т.ф.д. проф. Т.Р.Рашидовга, ф.-м.ф.д., проф. К.С.Султановга, ф.-м.ф.д., проф. Б.Мардоновга ва т.ф.д. проф. Г.Х. Хожиметовга диссертация иши қўлёзмасини яхшилашдаги қимматли маслаҳатлари учун ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.Т/ФМ.61.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МЕХАНИКИ И
СЕЙСМОСТОЙКОСТИ СООРУЖЕНИЙ**

**ИНСТИТУТ МЕХАНИКИ И СЕЙСМОСТОЙКОСТИ СООРУЖЕНИЙ
ИМ. М.Т.УРАЗБАЕВА АН РУз**

ХУСАИНОВ РАХМАТЖОН БАХРАМБАЕВИЧ

**СЕЙСМОДИНАМИКА ВЯЗКО-УПРУГО-ПЛАСТИЧЕСКОГО
ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ПОДЗЕМНОГО ТРУБОПРОВОДА С ГРУНТОМ
(ЛИНЕЙНЫЕ И НЕЛИНЕЙНЫЕ ЗАДАЧИ)**

01.02.04-Механика деформируемого твердого тела

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике увеличение объемов и географии добычи и транспортировки нефти и газа, и ускоренный рост городов и поселков городского типа, где используются преимущественно подземные коммуникационные системы жизнеобеспечения, приводят к расширенному строительству сетей подземных трубопроводных систем, в том числе, к строительству подземных трубопроводов в районах с высокой сейсмичностью, что остается одной из главных проблем. В связи с этим, возникает необходимость применения численных методов к задачам сейсмодинамики подземных трубопроводов; усовершенствование методов их решения является актуальной задачей сейсмостойкости подземных трубопроводов. В этом направлении, приоритетной задачей является осуществление целенаправленных научных исследований. Особое внимание уделяется исследованию на основе широкого применения современной компьютерной техники по разработке новых методик расчета напряженно-деформированного состояния (НДС) подземных систем жизнеобеспечения с учётом вязко-упруго-пластического взаимодействия трубопровода с окружающим грунтом, и различных видов сейсмического воздействия на него.

Особое внимание в мире уделяется высокой степени зависимости нормальной жизнедеятельности городов, особенно крупных, от бесперебойной работы таких систем жизнеобеспечения, как энергетические и транспортные, системы водоснабжения и канализации. Исследуется возможность появления различных вторичных повреждений в случае разрушения их при землетрясениях, возможность возникновения пожаров и опасного загрязнения экологической среды. В случае повреждения крупных газо- и нефтепроводов, требуется уделять особое внимание целенаправленному научному исследованию по усовершенствованию методов проектирования и строительства трубопроводных систем. В этой связи, учет разновидности сейсмического воздействия на подземные трубопроводы и, принятие движения грунтовой среды, окружающей трубопровод, в виде различных аналитических функций, являются одними из основных задач. В связи с этим, при учёте вязко-упруго-пластической модели взаимодействия подземного трубопровода с грунтом разработка методов определения напряженно деформированного состояние, оценка прочности и прогнозирование являются необходимыми задачами.

В настоящее время в нашей республике особое внимание уделяется бесперебойному обеспечению питьевой водой городов и сёл, принимаются меры по обеспечению бесперебойной работы водопроводных, канализационных, нефте- и газо- проводов, являющихся важными коммуникационными артериями экономики. В «Стратегии по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» особо подчёркивается необходимость реализации таких целевых программ, как «...модернизация, техническое и технологическое обновление производства, реализация

проектов производственной, транспортно-коммуникационной и социальной структуры; ...последовательное внедрение современных экономических и эффективных технологий ...»². При реализации данных задач, особое значение имеет создание методов определения напряженно-деформированного состояния подземных трубопроводов, разработка методов расчета прочности подземного трубопровода на сейсмические воздействия и развитие научно-исследовательских работ, имеющих научное и практическое значение в этом направлении.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-3190 от 9 августа 2017 г. «О мерах по совершенствованию проведения научных исследований в области сейсмологии, сейсмостойкого строительства и сейсмической безопасности населения и территории Республики Узбекистан», №ПП-3107 от 30 июня 2017 г. «О мерах по совершенствованию системы управления нефтегазовой отраслью», №ПП-3379 от 8 ноября 2017 г. «О мерах по обеспечению рационального использования энергоресурсов», №ПП-3682 от 27 апреля 2018 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», №ПП-3502 от 2 февраля 2018 г. «О мерах по обеспечению в 2018-2022 годах генеральными планами населенных пунктов, улучшению деятельности проектных организаций, а также повышению качества подготовки специалистов в сфере градостроительства» и №ПП-4794 от 30 июля 2020 г. «О мерах по коренному совершенствованию системы обеспечения сейсмической безопасности населения и территории Республики Узбекистан» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика» и XIV. «Сейсмология, сейсмобезопасность зданий, сооружений и строительство».

Степень изученности проблемы. Научные исследования по прочности подземных трубопроводов при сейсмических нагрузениях выполнены многими известными учеными, в том числе: M.J. O'Rourke, L.R. Wang, N.M. Newmark, El. Hmadi, T. Takahashi, T. Tanaka, D. Wijewickreme, K. Yoshizaki, X.L. Liu, Д.Д. Барканом, В.А. Ильичевым, Я.М. Айзенбергом, Ш.Г. Напетваридзе, А.Г. Назаровым, Р.М. Мукурдумовым, А.Б. Айнбиндером, А.С. Гехманом, М.Ш. Исраиловым, А.А. Александровым, Р.А. Гумеровым, Э.Н. Фигаровым и др.

² Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» №УП-4947 от 7 февраля 2017 г.

